



“ИПОТЕКА-БАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

“Ипотека-банк” АТИБ  
Кузатув кенгashi томонидан  
(2022 йил 28 апрелдаги  
53-сонли баённома)  
“ТАСДИҚЛАНГАН”



“Ипотека-банк” акциядорлик тижорат ипотека банкининг  
коррупцияга қарши курашиш  
**СИЁСАТИ**

Тошкент - 2022 й.

## **Махфийлик**

Ушбу хужжатдаги барча маълумотлар махфий бўлиб, “Ипотека-банк” АТИБнинг мулки ҳисобланади. Мазкур хужжатни тўлиқ ёки қисман, шунингдек унинг иловаларини “Ипотека-банк” АТИБ ходимлари томонидан учинчи шахсга ошкор қилиниши факат Комплаенс назорат департаментининг рухсати билан амалга оширилади.

 <b>IPOTEKA BANK</b>	<b>“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ</b> <b>КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</b>		
<i>Хужжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>I-варақ</i>

## **МУНДАРИЖА**

1. ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР .....	4
1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР .....	6
2. ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АСОСИЙ ХУЖЖАТЛАР .....	7
3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИНИГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ .....	7
4. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲАРАКАТЛАР .....	8
5. БАНКНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ҚЎЛЛАШДА БАНКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ .....	8
6. КОРРУПЦИЯГА ОИД ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БАҲОЛАШ .....	10
7. КОРРУПЦИЯГА ОИД ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАР 11 .....	11
8. КОРРУПЦИЯ ФАКТИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ .....	16
9. БАНКНИНГ МИЖОЗЛАРИ, КОНТРАГЕНТЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ШЕРИКЛАРИ, .....	18
ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК .....	
10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК .....	19
11. МАЗКУР СИЁСАТНИ ВА ЎзРнинг КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК .....	19
12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	20
13. 1-сонли ИЛОВА – ЎзРнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилигига, шунингдек коррупцияга қарши курашиш Сиёсати талабларига риоя қилиш мажбурияти .....	20

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ</p> <p style="text-align: center;">КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуҗжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга киритиши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>2-варақ</i>

## **1. Хуҗжатнинг титул варағи**

### **1.1. Хуҗжатни қайта күриб чиқиши хронологияси**

<b>Хуҗжатнинг номи:</b>	“Ипотека-банк” акциядорлик тијорат ипотека банкининг коррупцияга қарши курашиш сиёсати		
<b>Тасдиқланган:</b>	<b>Бошқарув органи</b>	<b>Сана</b>	
<b>Тавсия этилган:</b>	Банкнинг Кузатув кенгаши	29.04.2022 й.	
<b>Ишлаб чиқувчи:</b>			
<b>Комплаенс назорат департаменти</b>	<b>Сана:</b> Апрел 2022 й.		
<b>Келишилган:</b>			
<b>Юридик департаменти</b>	<b>Имзо:</b> Апрел 2022 й.		
<b>Версия рақами</b>	<b>Тасдиқланган сана</b>	<b>Кучга кириш санаси</b>	<b>Киритилган ўзгартиришларнинг қисқача тавсифи</b>
1.0	28.02.2021 й.	27.03.2021 й.	Мазкур Сиёсат Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган

2.0	21.12.2021 й.	21.12.2021 й.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПК-5177-сонли "Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, ходимларни очик танлов асосида ишга қабул қилиш, Интернет орқали Реал вақт режимида танлов доирасидаги тест тадбирларини мониторинг қилиш, номзодларнинг коррупцияга мойиллигини аниқлаш бўйича сўровнома ўтказиш, харидларнинг очиқлиги ва хар томонлама қулайлигини таъминлаш максадида тендер комиссияси шаффоғлигини таъминлаш, танлов натижаларини мажбурий оммавий равишда эълон қилиш талаблари ушбу Сиёсатга киритилган.
2.1	29.04.2022 й.	01.05.2022 й.	Сиёсат қайта қўриб чиқилди ва Сиёсат шакли янгиланди

## **1.2. Ҳужжатдан фойдаланишни назорат қилиш**

Ҳужжатдан фойдаланишни назорат қилиш ва сақлаш қўйидаги жадвалда кўрсатилган рўйхатга мувофиқ амалга оширилади:

<b>№</b>	<b>Ҳужжатни сақловчи (Лавозими)</b>	<b>Ҳужжат формати</b>		
1	Корпоратив маслаҳатчиси хизмати	Асли PDF да		
2	Комплаенс назорат департаменти	Нусхаси PDFда асли Wordда		
3	Банкнинг ички норматив ҳужжатларининг электрон кутубхонаси	Копия в PDF		
 “ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ				
	<i>Ҳужжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>3-варақ</i>

 <b>IPOTEKA BANK</b>	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ</p> <p style="text-align: center;">КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга киритиши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>4-варақ</i>

## 1. ҚИСҚАРТМАЛАР ВА ТАЪРИФЛАР

<b>Тартиб рақами</b>	<b>Қисқартма</b>	<b>Таъриф</b>
1	<b>Банк</b>	“Ипотекабанк” акциядорлик тижорат ипотека банки
2	<b>Пора</b>	Коррупцияга оид ҳаракатларнинг бир тури бўлиб, мансабдор шахсни пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, мулкий фойда ва/ёки хизматлар, мулк ёки хизматларнинг қиймати қўринишида пора эвазига ўзига оғдириб олиш
3	<b>Порахўрлик</b>	Пора олиш, пора бериш ёки бу жиноятларда воситачилик қилиш
4	<b>Пора бериш</b>	Пора берувчининг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий қимматликларни банкнинг мансабдор шахсига шахсан ёки воситачи орқали ўтказиш
5	<b>КНД</b>	“Ипотека-банк” АТИБнинг Комплаенс назорат департаменти
6	<b>Мансабдор Шахс</b>	Банкнинг мансабдор шахслари бўлиб, Банк Кузатув кенгаши, Бошқарув аъзолари, шунингдек, хизмат вазифалари уларга банк фаолияти юзасидан қарорлар қабул қилиш ва/ёки банк фаолиятига жиддий таъсир кўрсатиш имконини берадиган хисобланади
7	<b>Манфаатдор шахслар</b>	Ушбу Сиёсат доирасида Банкнинг манфаатдор шахслари Банкнинг мижозлари, контрагентлари, ишбилармон шериллари, ЎзР давлат органлари ва Банк билан ҳар қандай муносабатларда бўлган ёки муносабатларга киришадиган бошқа учинчи шахслар хисобланади
8	<b>Контрагент</b>	Банк билан ўзаро келишув асосида муносабатлар ўрнатиш ниятида бўлган ёки ўрнатган юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор, жисмоний шахслар
9	<b>Манфаатлар тўқнашуви</b>	Бу акциядорлар гурухлари ўртасида, акциядорлар ва Банкнинг мансабдор шахслари ўртасида, акциядорлар ва КК ўртасида, акциядорлар ва меҳнат жамоаси ўртасида, мулкчилик, молиявий оқимлар ва умуман бизнесга нисбатан, Банкнинг бошқарув органлари ва меҳнат жамоаси ўртасида, таркибий бўлинмалар ўртасида, кредит бўлинмалари ва мижозлар ўртасида, Бош банк ва филиаллар ўртасидаги тўқнашувдир

10	<b>Коррупцияга оид хуқукбузарлык</b>	Коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун ЎзР қонунчилигида жавобгарлик назарда тутилган қилмиш
----	--	---

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06	Версия рақами: 2.1	Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.	6-варақ

<b>Тартиб рақами</b>	<b>Қисқартмалар</b>	<b>Таъриф</b>
11	<b>Коррупция</b>	Банк мансабдор шахсининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равища фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равища тақдим этиш;
12	<b>КК</b>	“Ипотека-банк” АТИБнинг Кузатув кенгаши
13	<b>Банкнинг бошқарув органлари</b>	Банкнинг Акциядорлар умумий йигилиши, Кузатув кенгаши ва Бошқаруви
14	<b>Сиёсат</b>	“Ипотека-Банк” АТИБнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати
15	<b>Пора олиш</b>	Банкнинг мансабдор шахси томонидан шахсан ёки воситачи орқали пора берувчининг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий қимматликларни қабул қилиш
16	<b>Банк ходимлари</b>	Банк билан меҳнат шартномаси тузган ҳар қандай жисмоний шахс
17	<b>ЎзР</b>	Ўзбекистон Республикаси
18	<b>МБ</b>	Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки

## 1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

- 1.1. "Ипотека-банк" АТИБнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати коррупцияга қарши курашиш мақсадлари, вазифалари, коррупцияга оид таваккалчиликларни бошқариш тизимини белгилаб беради, шу билан бирга коррупцияга оид ҳаракатлар турларини, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини аниқлаш ва қўллашнинг асосий тамойилларини, коррупцияга оид таваккалчиликларни бошқариш органларини аниқлади.
- 1.2. Ушбу Сиёсат банк ходимлари томонидан коррупцияга қарши қонунчиликни билиш ва уларга риоя қилишни таъминлаш учун ишлаб чиқилган.
- 1.3. Сиёсат Банкнинг барча бошқарув органларига ва унинг ходимларига тегишли.

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>7-варақ</i>

## 2. ТАРТИБГА СОЛУВЧИ АСОСИЙ ҲУЖЖАТЛАР

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни;
- 2.2. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни;
- 2.3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
- 2.4. Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси;
- 2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПҚ-5177-сонли “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарори;
- 2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729 “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони;
- 2.7. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни;
- 2.8. Ўзбекистон банклар Ассоциациясининг стандартлари.

## 3. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

### 3.1. Сиёсатнинг асосий мақсади:

- 3.1.1. банк ичида ҳам, банкнинг мижозлари, ишбилармон шериклари, контрагентлари ва ЎзРнинг давлат ва назорат органлари билан муносабатларида ҳам коррупциянинг барча кўринишлариiga нисбатан банкда толерантликнинг йўқлигини шакллантириш;
- 3.1.2. коррупция ҳолатларининг олдини олиш, банк ва/ёки унинг ходимларини коррупция фаолиятига жалб этилиши хавфини минималлаштириш бўйича тизимли ёндашувни ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- 3.1.3. коррупцияга оид таваккалчиликларни бошқариш тизимини яратиш, шу жумладан коррупциянинг юзага келиш сабаблари ва шартларини ўз вақтида аниқлаш, чек қўйиш, йўқ қилиш.

### 3.2. Сиёсатнинг асосий вазифалари:

- 3.2.1. Коррупцияга оид хукуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйиш, уларнинг оқибатлари, уларга кўмаклашувчи сабаб ва шартшароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилини таъминлаш;
- 3.2.2. Банк ходимларини коррупциянинг олдини олиш бўйича ишларни ва коррупцияга оид хукуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликни норматив-хуқуқий таъминлаш тўғрисида хабардор қилиш;

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ</p> <p style="text-align: center;">ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг Идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>8-варақ</i>

- 3.2.3. Банқда коррупциянинг олдини олиш бўйича ишларнинг асосий тамойилларини аниқлаш;
- 3.2.4. Сиёсатни амалга ошириш учун масъул бўлган банкнинг мансабдор шахслари ва таркибий бўлинмаларини аниқлаш.

#### **4. КОРРУПЦИЯГА ОИД ҲАРАКАТЛАР**

4.1. Коррупцияга оид ҳаракатлар деганда, қуйидагилар тушунилади:

- 4.1.1. Пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилиш;
- 4.1.2. Пора олиш ёки пора олишда воситачилик қилиш;
- 4.1.3. Ўзи ёки учинчи шахслар учун пул, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулкий характердаги хизматлар, бошқа мулкий ҳукуқлар кўринишидаги наф олиш мақсадида ўз хизмат мавқеини ва/ёки ваколатини Банкнинг қонуний манфаатларига зид равишда суиистемол қилиш ёки кўрсатилган шахсга бошқа жисмоний шахслар томонидан бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш.

4.2. Коррупцияга оид ҳаракатлар Банк ходимлари томонидан мижозлар, контрагентлар, ишбилармон шериклар, давлат ва сиёсий шахсларга нисбатан, шунингдек мижозлар, контрагентлар, ишбилармон шериклар, давлат ва сиёсий шахслар томонидан Банкка нисбатан бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учинчи шахслар орқали содир этилиши мумкин.

#### **5. БАНКНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ҚЎЛЛАШДА БАНКНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ**

5.1. Коррупцияга қарши курашиш қуйидаги тамойилларга асосланади:

##### **5.1.1. Конунийлик тамойили.**

Банк ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва норматив ҳужжатлари, умумэътироф этилган бозор нормалари ва Банкнинг ИНХ талабларига мувофиқ амалга оширади ва коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини қўллайди.

##### **5.1.2. Фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги тамойили.**

Банк ходимлари банк ичida ва/ёки учинчи шахслар билан ўзаро ҳамкорлик қилишда фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя қиладилар.

##### **5.1.3. Очиқлик ва шаффоффлик тамойили.**

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>9-варақ</i>

Банк Банк ва унинг раҳбарияти тўғрисидаги маълумотларни Банкнинг Ахборот Сиёсати тўғрисидаги Низомда ва бошқа ИНҲга қатъий мувофиқ равишда ошкор қилади. Шу билан бирга, Банк ушбу Сиёсатни Банкнинг веб-сайтига жойлаштириш орқали барча манфаатдор шахсларни Банк томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши бизнес стандартлари тўғрисида хабардор қилади.

**5.1.4. Банк бошқарув органларининг шахсий намунаси тамойили.**

Банкнинг бошқарув органлари қарор қабул қилишда коррупциянинг ҳар қандай турини қабул қилмаслик сиёсатини олиб боради ва ўзларининг шахсий намуналари билан Банқда коррупцияга қарши маданият ва хулқ-атвор нормаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшади.

**5.1.5. Банк ходимларини жалб қилиш тамойили.**

Банк ходимларидан ЎзРнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилиги қоидалари ҳақида маълумотга эга бўлишлари ва Банқда коррупцияга қарши курашиш стандартлари ва тартибларини шакллантириш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари талаб этилади.

**5.1.6. Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларининг коррупция таваккалчилигига мутаносиблиги тамойили.**

Банк, унинг раҳбарияти ва ходимларининг коррупция фаолиятига жалб этилиши эҳтимолини камайтириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Банк фаолиятида мавжуд бўлган коррупция таваккалчилигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

**5.1.7. Коррупцияга қарши курашиш тартиб-таомилларнинг самарадорлик тамойили.**

Коррупцияга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Банк самарадорлик тамойилига, яъни энг кам харажат ва чора-тадбирларнинг соддалиги билан муҳим натижага эришиш имкониятига амал қилади.

**5.1.8. Ушбу Сиёсат ва Банкнинг бошқа ИНҲ қоидаларида назарда тутилган жорий этилган стандартлар ва тартиб-таомилларни доимий назорат қилиш ва мунтазам мониторинг қилиш тамойили.**

КНД ушбу Сиёсат ва коррупцияга қарши масалаларни тартибга солувчи Банкнинг бошқа ИНҲ қоидаларини назорат қилади ва мониторинг қилади.

**5.1.9. Давлат ва фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамкорлик тамойили.** Банк коррупцияга қарши курашиш фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади, шунингдек ЎзРнинг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилигига риоя этилишини назорат қилади. Банк томонидан "Ипотека-банк" АТИБда қонунбузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати ишлаб чиқилди ва жорий қилинди ҳамда ҳар қандай шахс, шу жумладан банк ходими томонидан коррупция ҳақида тўсиқсиз хабар

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг Идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>10-варақ</i>

берилишини таъминлаш учун маҳсус [whistleblowing@ipotekabank.uz](mailto:whistleblowing@ipotekabank.uz), электрон почта ташкил этилган бўлиб, унга фақат КНД директори, КНД директори ўринбосари ва Коррупцияга ва фирибгарликка қарши курашиш бўлими бошлиғи кириш хуқуқига эга.

#### 5.1.10. Жавобгарликнинг мукаррарлиги тамойили.

Банк бошқаруви банкда ушбу Коррупцияга қарши курашиш сиёсатини амалга ошириш ва унга риоя этилиши учун жавобгардир. Банк ходимлари, эгаллаб турган лавозими ва иш стажидан қатъи назар, ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан коррупцияга оид хуқуқбузарликлар содир этган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида жавобгар бўладилар.

## 6. КОРРУПЦИЯГА ОИД ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БАҲОЛАШ

6.1. Коррупцияга оид таваккалчиларни баҳолашнинг мақсади Банк фаолиятидаги аниқ жараёнлар ва ишбилармон операцияларни аниқлашдан иборат бўлиб, уларни амалга ошириш жараёнида Банк ходимлари томонидан ҳам шахсий наф олиш мақсадида, ҳам Банк томонидан наф олиш мақсадида коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этиш эҳтимоли катта.

6.2. Коррупцияга оид таваккалчиларни баҳолаш КНД томонидан қўйидагилар орқали амалга оширилади:

- 6.2.1. Бизнес-жараёнлар ва кичик-жараёнларни таҳлил қилиш, уларни амалга ошириш коррупцияга оид таваккалчиларни олиб келиши мумкин бўлган ушбу бизнес-жараёнлар ва кичик-жараёнларда "танқидий ҳаракатлар"ни аниқлаш;
- 6.2.2. Бизнес жараёни ёки кичик-жараённинг "танқидий ҳаракатлари" таърифини амалга оширишда мумкин бўлган коррупцияга оид ҳаракатларнинг таърифлари;
- 6.2.3. Коррупцияга оид ҳаракатларни содир этиш учун иштироки зарур бўлган мансабдор шахсларни аниқлаш;
- 6.2.4. Коррупцияга оид тўловларнинг эҳтимолий шаклларининг таърифлари.

6.3. Коррупцияга оид таваккалчиларни баҳолаш натижасида КНД Банкнинг коррупцияга оид таваккалчилар харитасини ва КК томонидан тасдиқланадиган юқори коррупцияга оид таваккалчилар билан боғлиқ лвозимлар рўйхатини тузади. Ушбу хужжатларни қайта кўриб чиқиши КНД томонидан хар йили амалга оширилади ва КК томонидан тасдиқланади. хариталарни шакллантириши.

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06	Версия рақами: 2.1	Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.	11-варақ

## 7. КОРРУПЦИЯГА ОИД ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

7.1. Банкнинг коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали бошқариш Банкнинг бошқарув органлари, мансабдор шахслари, ходимлари, мижозлари, контрагентлари ва ишбилиармон шерикларининг самарали ва тезкор ҳамкорлиги орқали таъминланади.

7.2. Банкнинг коррупцияга қарши курашиш фаолияти доирасидаги функционал роллари қўйидагича тақсимланади:

7.3. Члены Банк Кузатув кенгаши аъзолари ўз ваколатлари доирасида:

7.3.1. ушбу Коррупцияга қарши курашиш сиёсатни тасдиқлади;

7.3.2. мазкур Сиёсатга риоя этилишини назорат қиласида.

7.4. Банк Бошқаруви ўз ваколатлари доирасида:

7.4.1. Банк фаолиятининг ЎзР қонунчилиги талабларига мувофиқлигини, шунингдек коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ЎзР ва Банкнинг ИНҲга риоя этилишини таъминлайди;

7.4.2. Банк ходимларида коррупциянинг ҳар қандай шаклда ва унинг намоён бўлиш турида рад этиш маданиятини шакллантиради;

7.4.3. Банк ходимларининг мумкин бўлган коррупцияга оид таваккалчиларни ва уларнинг олдини олиш йўллари тўғрисида хабардорлигини таъминлайди;

7.4.4. Банқда, шунингдек Банкнинг мижозлари, контрагентлари ва ишбилиармон шериклари билан ўзаро ҳамкорлигига коррупциянинг олдини олиш бўйича барча зарур чора-тадбирларни кўради;

7.4.5. Банқдаги барча бизнес-жараёнлар ва қарорларни қабул қилиш механизмларининг шаффоғлиги, ходимларнинг мумкин бўлган коррупция ҳаракатлари ва коррупцияни олдини олиш ва қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисида хабардорлиги учун жавобгардир;

7.4.6. Банк ичидаги коррупцияга оид ҳаракатлар тўғрисида шубҳалар ёки фактлари ҳақида хабар берган ходимларни анонимлик ва самарали ҳимоя қилишни, шунингдек рағбатлантиришни таъминлайди.

7.5. Банкнинг Комплаенс назорат департаменти:

7.5.1. Сиёсатни, ҳамда Банқдаги коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги бошқа ИНҲни ишлаб чиқади;

7.5.2. коррупцияга қарши курашиш максадида Банк сиёсатлари ва тартиб-тамойилларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беради;

7.5.3. коррупцияга оид таваккалчиларни бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуини, шунингдек банқда коррупцияга қарши курашиш бўйича тавсиялар ва чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ</p> <p style="text-align: center;">ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг Идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>12-варақ</i>

- 7.5.4. Банк ходимларига коррупцияга қарши курашиш бўйича ЎзР қонунчилиги ва Банкнинг ИНҲ талабларини тўғри қўллаш ва уларга риоя қилиш бўйича маслаҳатлар беради;
- 7.5.5. Коррупцияга қарши курашиш бўйича ISO 37001 халқаро стандартига мувофиқ, Ходимларни бошқариш департаменти билан биргаликда Банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги хабардорлигини ошириш мақсадида ходимларни ўқитиш ва сертификатлаш чораларини кўради;
- 7.5.6. Банк мижозларга хизмат кўрсатишда, Банкнинг контрагентлари ва ишбилармон шериклари билан ҳамкорликда Банк ходимларининг мумкин бўлган коррупцион ҳаракатлари тўғрисидаги хабарлари ва шикоятларини кўриб чиқади, бундай хабарлар ва шикоятларни текширади, бартараф этиш учун зарур чора-тадбирлар кўриш ва Банкдаги коррупцияга оид ҳаракатлар иштирокчиси бўлган ва/ёки уларнинг розилиги билан коррупцияга оид ҳаракатлар содир этилиши мумкин бўлган ва/ёки коррупцияга оид ҳаракатларга алоқадор бўлиб қолган Банк ходимларига нисбатан жазо чораларини қўллаш мақсадида ўз вақтида КК ва Қўмитани, шунингдек Бошқарувни хабардор қиласди;
- 7.5.7. Банк мижозлари, контрагентлари ва ишбилармон шерикларини кўриши учун қулай бўлган жойларда, Бош офис бинолари, банк филиаллари, банк хизматлари марказлар, мини-банклар, универсал кассалар ва 24/7 пунктларида Банкнинг Сиёсати, коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари ва алоқа каналлари тўғрисидаги, визуал ахборот материалларини (стендлар, фотосуратлар, буклетлар ва бошқаларни) жойлаштиради, улар орқали Банк мижозлари, контрагентлари ва ишбилармон шериклари Банк ходимларининг коррупцияга оид хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги фактлари тўғрисида, коррупцияга оид хукуқбузарликларга чек қўйиш бўйича мумкин бўлган чора-тадбирлар тўғрисида хабар беришлари мумкин;
- 7.5.8. мумкин бўлган коррупцияга оид таваккалчиликларни аниқлаш ва баҳолашни ўтказади, Банкнинг бизнес жараёнларини таҳлил қиласди, Банкда қарор қабул қилиш тартиби, банк тизимидағи коррупция ҳолатларининг юзага келиши эҳтимоли предмети бўйича Банк ходимларининг лавозим мажбуриятларини белгилайди, коррупция ҳаракатларида иштирок этиш эҳтимоли юқори бўлган мансабдор шахсларни идентификация қиласди, бундай мансабдор шахслар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича маҳсус тартиб-тамойилларни ва талабларни ишлаб чиқади, масалан, манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуҗисжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>13-варақ</i>

декларацияни мунтазам равишда тўлдириш, натижалар тўғрисида КК, Кўмита ва Бошқарувга хабар беради;

- 7.5.9. яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича Банкнинг Йўл харитасида кўрсатилган чора-тадбирларнинг банкнинг барча таркибий бўлинмалари томонидан ўз вақтида бажарилишини назорат қиласи;
- 7.5.10. Банкнинг контрагентлари ва ишбилармон шерикларини харид қилиш фаолиятида ва Банк томонидан хайрия ва ҳомийлик ёрдамини амалга оширишда мумкин бўлган коррупцияга оид ҳаракатлари ва/ёки Банкнинг коррупцияга оид фаолиятга алоқадорлиги мавжудлигини текширади;
- 7.5.11. Банкнинг тегишли таркибий бўлинмалари мутахассислари иштирокида, коррупция фактлари ёки мумкин бўлган коррупцияга оид ҳаракатлари тўғрисида хабар берган шахсни жалб қилган ҳолда ички текширувларни ўтказади;
- 7.5.12. коррупцияга оид хукуқбузарликларнинг юзага келиши мумкин бўлган моҳият юзасидан Банқда мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини таҳлил қиласи ва натижалари ҳақида КК, Кўмита ва Бошқарувни хабардор қиласи;
- 7.5.13. Банк томонидан қабул қилинган коррупцияга қарши қоидаларни акс эттириш учун корпоратив ахлоқ кодексини баҳолашни ўтказади;
- 7.5.14. коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, шунингдек ушбу органларга ва Марказий банкка Банкдаги коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари, коррупция фактлари, шунингдек, банкнинг Йўл харитасида белгиланган яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ўз вақтида регулятор ҳисботларни тақдим этади.

#### 7.6. Юридик департаменти:

- 7.6.1. Банкнинг ИНҲни ЎзР қонунчилигига, ЎзР Марказий банкининг норматив хужжатларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида хукуқий экспертизадан ўтказади;
- 7.6.2. коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш ҳамда Банк фаолиятига ва/ёки унинг мижозлар, контрагентлар, ишбилармон шериклар билан ўзаро муносабатларига таъсир кўрсатиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги ўзгаришлар тўғрисида ҳар ойда КНД ва Банкнинг тегишли бўлинмаларини хабардор қиласи.

#### 7.7. Ходимларни бошқариш департаменти:

- 7.7.1. банкнинг барча ходимларини банкнинг ички меҳнат қоидалари, банкнинг корпоратив стандартлари, банк ходимларининг касбий этика кодекси

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуҗжатнинг Идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>14-варақ</i>

тўғрисида хабардор қиласи ва Банк ходимлари томонидан лавозим вазифаларини лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида уларни ўқитишни ташкил қиласи;

- 7.7.2. коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида Банкнинг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича Йўл харитасига мувофиқ Банк ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш мавзуларида семинарлар, учрашувлар ва давра сухбатлари ўтказади;
  - 7.7.3. банк ходимларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришда моддий қийматга эга бўлган ҳар қандай "совғалар ёки бошқа имтиёзлар" олишга муросасиз муносабатини таъминлаш чораларини кўради;
  - 7.7.4. коррупцияга қарши курашиш тизимини янада ривожлантириш мақсадида ISO 37001 халқаро стандартига мувофиқ ходимларни ўқитиш ва сертификатлаш семинарларини ташкил этади;
  - 7.7.5. банк ходимлари томонидан банкнинг ички меҳнат қоидалари, ижро интизоми, банкнинг корпоратив стандартлари ва касбий этика кодекси талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлайди;
  - 7.7.6. банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича мажбуриятлари тўғрисида, ўз шахсий манфаатлари йўлида лавозим мажбуриятларини сусистеъмол қилмаслик, талон-тарож, коррупция, товламачилик ва бошқа хукуқбузарликларга йўл қўймаслик, шунингдек бундай хукуқбузарликлар фактлари ёки уларнинг содир этилиши эҳтимоли тўғрисида КНДни ўз вақтида хабардор қилиш тўғрисида хабардор қилинишини таъминлаш;
  - 7.7.7. Банкнинг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича Йўл харитасига мувофиқ, ҳар йили Банк ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича Банкнинг ИНҲ юзасидан билим даражасини тестдан ўтказади ва баҳолайди;
  - 7.7.8. Кадрларни танлаш бўйича шаффоф ташкил этилган ва ўтказиладиган танловлар асосида ходимларни танлашни таъминлайди, номзодларнинг коррупцияга мойиллигини аниқлаш учун сўровнома (психологик тест саволлари) ўтказади.
- 7.8. Ишлар бошқармаси:
- 7.8.1. Банкнинг яширин иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича Йўл харитасига мувофиқ, маҳсулот харид қилишда коррупция даражасини пасайтириш, шу жумладан харидларнинг очиқлиги ва ҳар томонлама қулайлигини таъминлаш мақсадида тендер комиссияси фаолиятининг шаффофлигини таъминлайди, шунингдек, шубҳасиз, очик тендер натижаларини эълон қиласи.

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>15-варақ</i>

## 7.9. Банкнинг ахборот ва брендни бошқариш хизмати:

- 7.9.1. Банкнинг расмий веб-сайтида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва долзарблиги учун жавобгардир, шу жумладан, лекин улар билан чекланмаган ҳолда:
  - Банкнинг коррупцияга қарши кураш соҳасидаги ЎзРнинг норматив-хукукий хужжатлари ва Банкнинг ИНХ;
  - Банкнинг ишбилармонлик этика кодекси ва Банк ходимларининг хулк-автори қоидалари;
  - коррупцияга қарши чора-тадбирлар тўғрисида ҳисоботлар ва маълумотлар.
- 7.9.2. банк ходимларининг коррупцияга оид ҳаракатлари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотларнинг мониторингини амалга оширади;
- 7.9.3. коррупцияга қарши курашиш соҳасида, жумладан коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини ёритиш масаласида банк ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорликни таъминлайди.

## 7.10. Банкнинг барча ходимлари:

- 7.10.1. коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари, шунингдек ушбу Сиёсат талаблари билан танишиб чиқиши ва ушбу Сиёсатнинг 1-иловасига мувофиқ ушбу талабларга риоя этиш мажбуриятини имзолаши шарт;
- 7.10.2. ўз фаолиятини лавозим йўриқномаларига, Банкнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ИНХга мувофиқ қатъий риоя қилган ҳолда амалга ошириш, ўз хизмат мавқенини сунистеъмол қиласлиги ва шахсий мақсадлар учун фойдаланмаслиги, коррупция, порахўрлик, товламачилик ва бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик, бундай хукуқбузарликларнинг ҳар қандай фактлар ҳақида ёки Банкда бундай қоидабузарликларни содир этиш эҳтимоли юзага келганлиги тўғрисида КНДни хабардор қилиш;
- 7.10.3. агар ходимда бошқа ходимлар, контрагентлар, ишбилармон шериклар, мижозлар ёки банк билан муносабатларга кирадиган бошқа шахсларнинг мумкин бўлган коррупцияга оид ҳаракати ёки коррупцияга оид ҳаракатсизлиги тўғрисида шубҳа ёки маълумот бўлса, улар дарҳол КНДни хабардор қилишлари шарт.

## 7.11. Банк ходимларига ушбу Сиёсатнинг 4-бўлимида кўрсатилган ҳар қандай ҳаракатларни бажариш тақиқланади. Шунингдек, бевосита ёки билвосита ёки учинчи шахслар орқали

	<b>“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ</b> <b>ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</b>		
<i>Хуёжжатнинг Идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>16-варақ</i>

ўзларининг бюрократик ва бошқа расмиятчиликларини соддалаштириш мақсадида шахсан ёки воситачилар орқали мансабдор шахсга ёки жисмоний ёки юридик шахсга ўз лавозим вазифаларини бажаришда бирон-бир ҳаракат ёки ҳаракатсизликни амалга ошириш учун ҳар қандай қонунга хилоф афзалликларни таклиф қилиш ёки тақдим этиш учун ҳар хил турдаги пора бериш ёки олиш қатъиян ман этилади.

## **8. КОРРУПЦИЯ ФАКТИ ТҮҒРИСИДАГИ АҲБОРОТНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА МУНОСАБАТ БИЛДИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ**

- 8.1. Коррупция факти түғрисида маълумот КНДга қуйидаги орқали келиб тушиши мумкин:
  - 8.1.1. Банкнинг “Ишонч телефони” орқали;
  - 8.1.2. Ҳукуматнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар асосида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматидан;
  - 8.1.3. банк Бошқарувининг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатлари асосида банк Аппаратидан;
  - 8.1.4. ЎзР қонунчилигига белгиланган шаклда ва тартибда КНДга юборилган бевосита мурожаат;
  - 8.1.5. Комплаенс назорат Департаменти ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида;
  - 8.1.6. ички аудит Департаменти ходимлари томонидан ўтказилган аудит текширувлари натижасида;
  - 8.1.7. Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органлари ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида;
  - 8.1.8. Банк веб-сайтида келтирилган телефон рақамлари ёки электрон почта орқали олинган хабарлар.
- 8.2. Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:
  - 8.2.1. аноним мурожаатлар;
  - 8.2.2. жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда;
  - 8.2.3. ЎзРнинг жисмоний ва юридик шахсларининг мурожаатлари түғрисидаги қонунда белгиланган бошқа талабларга жавоб бермайдиган мурожаатлар.
- 8.3. Комплаенс назорат департаменти директори мурожаатни аноним деб тан олиш ва ушбу Сиёсатнинг 8.6-8.7 бандларида кўрсатилган хабарни рўйхатдан ўтказиш талабларига мувофиқлигини баҳолайди. Шу билан бирга, агар мурожаатда алоқа учун исм, фамилия (ташкилот номи) ва манзили ёки телефон рақами кўрсатилмаган бўлса, мурожаат аноним деб тан олинади.

 <b>“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ</b> <b>ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</b>			
<i>Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>17-варақ</i>

8.4. Агар мурожаат аноним деб тан олинган бўлса, КНД ходими томонидан мурожаатни аноним деб тан олиш учун асослар кўрсатилган хulosса тузилади ва Комплаенс назорат Департаменти директори томонидан тасдиқланади.

8.5. Хulosса тасдиқланган пайтдан бошлаб аноним деб эътироф этилган мурожаатлар назоратдан ёки ижродан чиқарилади ва кўриб чиқилмайди.

8.6. Банк ходимининг мурожаатида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- эгаллаб турган лавозими;
- таркибий бўлинма (ташкилий қисм);
- ходимни коррупцияга қарши ҳукуқбузарликни содир этишга ундаш мақсадида қилинган мурожаат ҳақида маълумот;
- ходимни коррупцияга қарши ҳукуқбузарлик содир этишга мажбур қилган ёки ундайдиган шахс(лар) ҳақида маълумот;
- ходимни коррупцияга оид ҳукуқбузарликни содир этишга ундаш ёки мажбуrlаш жойи, вакти ва бошқа ҳолатлар ҳақида маълумот;
- коррупцияга оид ҳукуқбузарликнинг моҳияти ёки ходим мажбуrlанаётган ёки ундаётганлиги тахмин қилинаётган ҳукуқбузарликнинг моҳияти ҳақидаги маълумот;
- ходимни коррупцияга оид ҳукуқбузарликни содир этишга ундаш мақсадида қилинган ҳар қандай шахснинг мурожаати ҳолатларини тасдиқловчи барча мавжуд материалларни илова қилиш (афзал, лекин шарт эмас).

8.7. Банкнинг мижози, контрагенти, ишбилармон шеригининг мурожаатида қўйидаги маълумотлар кўрсатилиши керак:

- мурожаат қилувчи шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми;
- Коррупцияга оид ҳаракат билан боғлиқ банк ходимлари тўғрисидаги маълумотлар, жой, вақт ва бошқа ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар, кўрсатилган коррупцияга оид ҳаракатнинг режалаштирилган ёки амалга оширилган факти тўғрисида маълумотлар;
- режалаштирилган ёки амалга оширилган коррупция факти ҳақидаги фактларни тасдиқловчи барча мавжуд материалларни илова қилиш (афзал, лекин шарт эмас).

8.8. Мазкур Сиёсатнинг 8.6 ва 8.7-бандларда кўрсатилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган барча мурожаатлар, КНД томонидан кўриб чиқилиши ва ўрганилиши керак. Мурожаатни ўрганиш натижаларига кўра ҳукуқбузарлик ёки жиноят аломатлари аниқланса, КНД бундай мурожаат тўғрисида маълумотни Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратурага қонуний чоралар кўриш учун юборади.

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг Идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>18-варақ</i>

- 8.9. Банкка, унинг ходимиға ёки банк томонидан назорат қилинадиган юридик шахсга нисбатан шубҳали фаолият, коррупцияга оид хуқуқбузарликлар ёки суистеъмол қилиш тўғрисида хабар берган шахс тўғрисидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва айборларга ҳеч бўлмагандага текширув тугагунига қадар ва/ёки айборларни жавобгарликка тортиш вақтига қадар ошкор этилмайди, агар коррупция жинояти факти тасдиқланса.
- 8.10. КНД мурожаатда кўрсатилган маълумотларни текшириши шарт ва агар керак бўлса, ИАД ходимини (ИАД Директори билан келишилган ҳолда) ёки Банкнинг бошқа таркибий бўлинмаси ходимларини (Бошқарув Раиси билан келишилган ҳолда) жалб қилиши мумкин ва ушбу Сиёсатнинг 8.11-бандда кўрсатилган натижаларни тақдим этиши керак.
- 8.11. Комплаенс назорат департаменти Директори:
- 8.11.1. зарур чораларни, шу жумладан банкнинг айбор ходимларини жавобгарликка тортиш ва жазолаш чораларини қўриши учун дарҳол банк Бошқаруви Раисига тасдиқланган хукуқбузарлик фактлари тўғрисида хабар бериши;
  - 8.11.2. агар Банкнинг мансабдор шахси хукуқбузарлик иштирокчиси бўлса, дарҳол Аудит Қўмитаси раисига хабар бериши;
  - 8.11.3. ҳар чорақда комплаенс ҳисботини тақдим этиш доирасида КК ва Қўмитани хабардор қилиши лозим.
- 8.12. Ўтказилган текширишлар бўйича мурожаатлар ва материаллар банкнинг Комплаенс назорат департаментида сақланади.

## **9. БАНКНИНГ МИЖОЗЛАРИ, КОНТРАГЕНТЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ШЕРИКЛАРИ, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК**

- 9.1. Банкнинг мижозлари, контрагентлари, ишбилармон шериклари, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда, Банк ўзаро манфаатдорлик, ҳалоллик, шаффофлик, очиқлик ва ҳар икки томоннинг хуқуқлари ва манфаатларини хурмат қилиш тамойилларига амал қиласи.
- 9.2. Банк ходимлари контрагентлар ва ишбилармон шерикларини танлашда эҳтиёткор бўлишлари, бундай контрагент, ишбилармон шерик билан ҳамкорлик бошланишидан олдин контрагентни, ишбилармон шерикни коррупция хавфи мавжудлигини, манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишлари керак.
- 9.3. Мижозларга хизмат кўрсатишда банкнинг ҳар бир ходими Банкнинг шартнома мажбуриятларини, мижознинг қонуний буюртмаларини аниқ ва тўлиқ бажариши ва мижозларга Банк хизматлари ва унинг банк хизматлари бўйича тарифлари тўлиқ, тасдиқланган маълумот ёки маслаҳатлар бериши шарт.

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>19-варақ</i>

9.4. Банк ва унинг ходимларига мижозлар, контрагентлар, ишбилиармон шериклар билан ўзаро ҳамкорлик, агар бундай ўзаро ҳамкорлик коррупцияга оид ҳаракатларни содир этиш учун шароит яратса, ЎзРнинг коррупцияга қарши қонунчилик талабларига ва ушбу Сиёсат талабларига зид бўлса тақиқланади.

9.5. Коррупция фактларини, шу жумладан порахўрлик фактларини яшириш ва/ёки тақдим этмаслик ва/ёки ўз вақтида тақдим этмаслик Банк ходимини ЎзР қонунчилигига мувофик жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

## 10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ҲАМКОРЛИК

10.1. Банк ва унинг ходимлари фуқаролик жамиятининг фаол иштирокчилари сифатида коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари, контрагентлар, ишбилиармон шериклар ва банк мижозлари билан қуидаги мақсадларда яқиндан ҳамкорлик қилишлари ва ўзаро муносабат олиб боришлари керак:

10.1.1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни ва ушбу жиноятда гумон қилинаётган (айбланаётган) шахсларни, уларнинг жойлашган жойини, шунингдек коррупцияга оид жиноят содир этган бошқа шахсларнинг жойлашган жойини белгилаш;

10.1.2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик натижасида олинган ёки коррупцияга оид ҳаракат воситасига айланган мол-мулкни белгилаш;

10.1.3. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича маълумот алмашиш.

10.2. Давлат органлари билан ҳамкорлик ва ўзаро муносабатлар КНД томонидан амалга оширилади.

## 11. МАЗКУР СИЁСАТНИ ВА ЎзРнинг КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

11.1. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда банк ходимлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жиноий, фуқаролик ва интизомий жавобгарликка тортилади.

11.2. Агар банк номидан ёки банк манфаатларини кўзлаб коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилган бўлса ёки коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни ташкил этиш, тайёрлаш ва содир этиш учун шарт-шароит яратилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ банк мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва Банкнинг ИНХга мувофиқ жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг Идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>20-варақ</i>

11.3. Банқда коррупцияга оид ҳукуқбузарлик учун интизомий жазо қўллаш айбдор шахсни коррупцияга оид ҳукуқбузарлик учун жиноий ва фуқаролик жавобгарлигидан озод қилмайди.

11.4. Банк коррупция, коррупцияга оид ҳукуқбузарликни содир этган банкнинг ҳар қандай ходимига нисбатан қатъий интизомий чоралар кўради.

11.5. Коррупцияга оид ҳукуқбузарлик содир этган банк ходимлари қонун хужжатларига мувофиқ муайян ҳукуқлардан, шу жумладан, муайян лавозимни эгаллаш ҳукуқидан суд қарори билан маҳрум этилиши мумкин.

## 12. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

12.1. Ушбу Сиёсат Банкнинг КК томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради. Унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Банкнинг КК томонидан тасдиқланади.

12.2. Мазкур Сиёсатнинг мазмуни Банкнинг ички хужжатлари ва тартиб-қоидалари билан белгиланган тартибда Банкнинг ҳар бир ходими эътиборига етказилиши лозим. Ушбу Сиёсат қоидалари билан танишиш устидан назорат қилиш Банкнинг таркибий бўлинмалари ва филиалларининг бевосита раҳбарларига юклатилади.

12.3. Ушбу Сиёсатни мониторинг қилиш ва янгилаш учун жавобгарлик Банкнинг Комплаенс назорат Департаментига юклатилади.

12.4. Ушбу Сиёсат Банк веб-сайтида жойлаштирилиши керак.

12.5. Банк Бошқаруви ушбу Сиёсат талабларига риоя этилиши учун, КНД эса ушбу Сиёсатни ЎзР қонунчилиги талабларига мувофиқ юритиш учун жавобгардир.

12.6. Ушбу Сиёсат билан тартибга солинмаган тартиб ва қоидалар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва норматив хужжатларига ҳамда Банкнинг ички хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**12.7.** Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ёки Банк Уставида банкнинг ушбу Сиёсатида назарда тутилганидан бошқача нормалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Банк Устави нормалари қўлланилади.

## 13. 1-сонли ИЛОВА – ЎзРнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилигига, шунингдек коррупцияга қарши курашиш Сиёсати талабларига риоя қилиш мажбурияти

**ЎзРнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчилигига, шунингдек  
коррупцияга қарши курашиш Сиёсати талабларига риоя қилиш**

	<p style="text-align: center;">“ИПОТЕКА-БАНК” АТИБ ФИРИБГАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ</p>		
<i>Хуёжжатнинг идентификация рақами: ПТ-22-18-06</i>	<i>Версия рақами: 2.1</i>	<i>Кучга кириши санаси: 01.05.2022й.</i>	<i>21-варақ</i>

## МАЖБУРИЯТИ

Мен,

---

(департамент, бошқарма, бўлим, филиал номи, лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми – тўлиқ қўрсатилиши шарт) “Ипотека-банк” АТИБ ходими сифатида, қуйидагиларга мажбурман:

- банкнинг ички меҳнат қоидалари, ижро интизоми, банкнинг корпоратив стандартлари, банк ходимининг касбий этика кодекси талабларига шубҳасиз риоя қилиш;
- иш фаолияти давомида лавозим йўриқномаси билан менга юклатилган хизмат вазифаларни ҳалол ва вижданан бажариш;
- банк ва мижоз ўртасидаги менинг хизмат вазифаларим билан бевосита боғлик бўлмаган муносабатларга аралашмаслик (кредит ажратиш, валюта операциялари ва бошқалар.), банкка ишга қабул қилиш ва бир лавозимдан бошқасига ўтказиш масалаларида ва ҳоказо;
- банк сири, тижорат сири, хизмат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа маълумотлар ва хужжатларга тегишли буйруқлар, кўрсатмалар ва бошқа норматив хужжатларга тўлиқ риоя қилиш, шунингдек ўз вазифаларимни бажаришда менга маълум бўлган бундай маълумотларни бошқа шахсларга ошкор қиласлини;
- иш фаолияти жараёнида ўз хизмат мавқеимни суиистеъмол қиласлини ёки шахсий мақсадларда фойдаланмаслик, коррупция, порахўрлик, товламачилик ва бошқа салбий ҳолатларига йўл қўймаслик.

Қабул қилинган мажбуриятлар бузилган тақдирда, мен ўз эгаллаб турган лавозимидан озод қилинишим, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167, 168, 177, 205, 209, 210, 212 ва ҳоказо моддалари бўйича жиноий жавобгарликка тортилишим мумкинлиги ҳақида огохлантирилдим.

Мен мазкур мажбуриятни тўлиқ ўқиб чиқдим, унинг моҳияти ва мазмунини тушуниб етдим ва бундан келиб чиқадиган оқибатлардан хабардор бўлиб, ўз ҳоҳишим билан имзо чекдим.

«\_\_\_\_\_» 21 \_\_\_\_ йил

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.Ш.)